




Франциянинг Реймс шаҳрида, Иттифокчи кўшинлар Олий Бош қўмондони генерали Эйзенхауэр қароргоҳида, 1945 йил 7 май куни Германиянинг таслим бўлиши тўғрисидаги протокол имзоланди.

Франциянинг Реймс шаҳрида, Иттифокчи кўшинлар Олий Бош қўмондони генерали Эйзенхауэр қароргоҳида, 1945 йил 7 май куни Германиянинг таслим бўлиши тўғрисидаги протокол имзоланди.

Германиянинг таслим бўлиши актини вермахтнинг Олий қўмондонлиги жанговар бошқарув штаби бошлиғи, генерал-полковник Альфред Йодль имзолади. СССР номидан бу қарорни Иттифокчилар қўмондонлигидаги Олий Бош қўмондонлик вакили генерал-майор Иван Суслопаров иштирок этган, инглиз-американ томонидан эса АКШ армияси генерал-лейтенанти, Иттифокчи экспедицион кучлар Бош штаби бошлиғи Уолтер Беделл Смит имзолади. Хужжатга Франция миллий мудофаа штаби бошлиғи ўринбосари, бригада генерали Франсуа Севез ҳам гувоҳ сифатида имзо чекди. Протоколга кўра, Германия Олий қўмондонлиги 1945 йил 8 май куни тун яримидан бошлаб барча жанговар ҳаракатларни тўхтатиш мажбуриятини олди. Германия кўшинлари ва флоти шу вақтда эгаллаб турган позицияларда қолиши керак эди. Бироқ СССР раҳбарияти Германиянинг Реймсда таслим бўлиши актининг имзоланишидан норози бўлди. Бу қарор Совет Иттифокига ёқмади ва урушдаги энг катта хиссани қўшган давлатни иккинчи даражага суриб қўярди.

Сталин кундузи Жуков билан телефон орқали суҳбатда ўз норозилигини билдирди:

«Урушнинг асосий огирлигини совет халки елкасида кўтарди, иттифокчилар эмас. Шу сабабли таслим бўлиш акти Олий Бош кўмондонлик олдида имзоланиши керак». Совет ҳукумати ва шахсан Сталин таклифига биноан, Реймсдаги жараённи факат дастлабки таслим бўлиш деб ҳисоблашга қарор қилинди. СССР ўзини биринчи планга олиб чиқиш учун барча имкониятини ишга солиди, бўлмаса иккинчи жаҳон уруши Германия ва СССР иттифок тузиб, Польшага бостириб кириши билан бошлаган. Унгача Болтиқбўйи давлатларини босиб олди (Гитлер билан келишган ҳолда). Хуллас, бу тадбирни СССР қайта ўтказган.

Абу Муслим